

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“ХТ ХАРИД ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
aksiyadorlik jamiyati
таъсисчиларининг
2023 йил 13 декабрдаги қарори билан

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий
агентлиги
Директор биринчи ўринбосари
Паёв В.Ю.

Жамият директори

Ш.Каримов

2024 йил “22” октябр Р01012-1-сон

М.Ў.



АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚАРОР
“ХТ ХАРИД ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	1	P	1	0	1	2	T	8
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 3 130 000 (уч миллион бир юз ўттиз минг) дона оддий номи ёзилган акциялар, ҳар бирининг номинал қиймати 5000 сўм.

Акцияларнинг чиқарилаётган умумий суммаси 15 650 000 000 (ўн беш миллиард олти юз эллик миллион) сўм.

Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.
Акцияларнинг ўшбу чиқарилиши биринчи чиқарилишидир.

Қарор қабул қилинган: “ХТ ХАРИД ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” АЖ таъсисчиларининг 2023 йил
13 декабрдаги қарори (Баённома)
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган орган кўрсатилади)

Тасдиқланган: “ХТ ХАРИД ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” АЖ таъсисчиларининг 2023 йил
13 декабрдаги (Баённома)
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган орган кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиқлол кўчаси, 29-уй. Телефон: (78) 150-0314, электрон почта манзили: info@xt-xarid.uz

Директор

Ш.Ю. Каримов

Бош бухгалтер

А.С. Ускова

Сана: 2023 йил 13 декабр

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: “Universal Depozit” МНЖ.
Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси №7 07.12.2023 йил

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбари: Аманов У.Ф.



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **5 000 (беш минг) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **3 130 000 (уч миллион бир юз ўттиз минг) дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **15 650 000 000 (ўн беш миллиард олти юз эллик миллион) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
 - депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол - мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - Жамиятнинг молия - хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, конфендициал маълумотлар бундан мустасно;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - конунчиликда белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзига тегишли бўлган акцияларини бир қисмини (ёки тўлиқ) жамият томонидан кайтариб сотиб олишни талаб қилиш;
 - кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношижорат ташкилотларига бирлашиш;
 - кимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш;
 - Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) конунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
 - Жамият томонидан жойлаштирилаётган қўшимча акцияларни имтиёзли сотиб олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Акциялар чиқарилуви ёпик обуна йўли билан “ХТ ХАРИД ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” АЖнинг таъсисчилари Россия Федерацияси фуқароси Умрихин Олег Викторович, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Алимов Зоҳид Закиржанович (Alimov Zoxid Zakirjanovich) ва Урунбаев Икром Анварович (Urunbayev Ikrom Anvarovich) номларига, илгари маъсулияти чекланган жамиятида уларга тегишли бўлган, жойлашган улушларини мутаносиб равишда уларга акцияларга айлантириш (конвертация) қилиш йўли орқали уюшмадан биржадан ташқари бозорда жойлаштирилади.

Акциялар чиқарилувидаги таъсисчиларнинг улушлари:

Умрихин Олег Викторович – жамиятнинг устав капиталида улушининг умумий миқдори 7 825 000 000 сўм, жамият устав капиталидаги 50% улуши чиқарилган акцияларга 1:1 нисбатда алмаштирилади (конвертация қилинади);

Alimov Zoxid Zakirjanovich – жамиятнинг устав капиталида улушининг умумий миқдори 3 912 500 000 сўм, жамият устав капиталидаги 25% улуши чиқарилган акцияларга 1:1 нисбатда алмаштирилади (конвертация қилинади);

Urunbayev Ikrom Anvarovich – жамиятнинг устав капиталида улушининг умумий миқдори 3 912 500 000 сўм, жамият устав капиталидаги 25% улуши чиқарилган акцияларга 1:1 нисбатда алмаштирилади (конвертация қилинади).

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **15 650 000 000 (ўн беш миллиард олти юз эллик миллион) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган холда кўрсатилади):

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишидир.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган холда кўрсатилади): **Жамият томонидан облигациялар чиқарилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Ушбу акциялар чиқарилуви ёпиқ обуна йули билан жамият таъсисчилари Россия Федерацияси фукароси Умрихин Олег Викторович, Ўзбекистон Республикаси фукарolari Алимов Зоҳид Закиржанович (Alimov Zoxid Zakirjanovich) ва Урунбаев Икром Анварович (Urunbayev Ikrom Anvarovich) номларига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу акциялар чиқарилувини жойлаштириш муддати - кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акцияларнинг чиқарилувини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.

- Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – **Акцияларни жойлаштириш акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошланади.**

- Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – **Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугаган санаси, мазкур чиқарилиш давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмаслиги лозим.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилувини ёпиқ обуна йули билан жамият таъсисчилари Россия Федерацияси фукароси Умрихин Олег Викторович, Ўзбекистон Республикаси фукарolari Алимов Зоҳид Закиржанович (Alimov Zoxid Zakirjanovich) ва Урунбаев Икром Анварович (Urunbayev Ikrom Anvarovich) номларига, илгари маъсулияти чекланган жамиятида уларга тегишли бўлган, жойлашган улушларини мутаносиб равишда уларга акцияларга айлантириш (конвертация) йўли орқали, ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмаган холда уюшмаган биржадан ташқари бозорда жойлаштирилади, бунда андерайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Кимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва кимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: Марказий депозитарий хақида маълумот:

Кимматли қоғозлар Марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи - Кимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси;

Ташкилий-ҳуқуқий шакл: Давлат унитар корхонаси;

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани,

Мустакиллик шохкўчаси, 107-уй, телефон: (+99871) 267-37-42, факс: (+99871) 267-36-94.

Хуқуқларни ҳисобга олган инвестиция воситачилари хақида маълумот:

Тўлик номи – «UNIVERSAL DEPOZIT» масъулияти чекланган жамияти;

Ташкилий-ҳуқуқий шакл: масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100060, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани,

Олмачи кучаси 26-уй, телефон: (+99871) 268-28-08.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Акцияларнинг бу чиқарилиши дастлабки (биринчи) бўлиб, акцияларни жойлаштиришда олдиндан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқни қўлланилиши назарда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилаётган акцияларнинг бир донасини жойлаштириш нархи 5000 (беш минг) сўм, яъни номинал қийматида жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилувдаги акциялар бўйича тўлов “ХТ ХАРИД ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” МЧЖнинг барча активларини ўтказма далолатномасига кўра “ХТ ХАРИД ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” АЖга ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши 100 фоиздан кам миқдорда, яъни 3 130 000 (уч миллион бир юз ўттиз минг) донадан кам миқдорда жойлаштирилган тақдирда, акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган тўлов воситалар қонунчиликда белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 10 кун ичида қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу чиқарилув тўғрисидаги маълумот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда корпоратив ахборот ягона порталида www.openinfo.uz ва жамиятнинг www.xt-xarid.uz веб-сайтида эълон қилинади.

Жамиятнинг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги Қарорининг асли билан танишиш Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани тумани, Истиклол кўчаси, 29-уй манзилида, нусхаси билан эса жамиятнинг расмий веб-сайтида www.xt-xarid.uz танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар - кўзда тутилмаган.

Тикилган ва рақмланган

вақок

Директори
Каримов Ш.Ю.

Бош ҳисобчи
Ускова А.С.

